O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 12 7 1 2 9 9
12 7 1 2 9 8

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 6 ноябрь, шанба • № 130-131 (25.526).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Жалолиддин Мангуберди – озодлик, мардлик ва қудрат тимсоли

Тарихда шундай шахслар бўладики, куч ва имконият етишмаслигига, маслакдош ва сафдошларнинг камлигига, бошқа тўсиқларга қарамай, зулм ва истибдодга қарши аёвсиз курашади. Юрт озодлиги йўлида жонидан кечадиган бундай инсонларни фидойи, жасур, мард деймиз. Буюк бобокалонимиз Жалолиддин Мангуберди ана шундай инсон сифатида кишилик тарихига кирган.

Ўзбек халқи ўзининг улуғ аждодларини унутмаган. Тарих силсиласида бошига қора кунлар тушган даврларда ҳам халқ ўзининг олиму уламоларини, мард фарзандларини ёдда тутди, уларнинг хотирасини муқаддас санаб келди. Истиқлолнинг буюк неъматлиги шундаки, зулмат замонларида шарпага айланган хотира ҳозирга келиб қуёш сингари балқимоқда. Ўтган саккиз йил ичида қанчадан-қанча буюк зотларнинг тўйини нишонладик, уларнинг ҳурматини бажо келтириб, номларини яна бир бор дунёга ёйдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори мана шу эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Мазкур қарорга мувофиқ, юртимизда юбилейга катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Шовот каналининг икки қирғоғини туташтириб, бутун бир меъморий мажмуа қад ростлади. Унинг марказида қўлини қилич дастасига қўйган Жалолиддиннинг пўрвиқор ҳайкали турибди. Шовотнинг нариги бетида эса Жайхун меҳмонхонаси, аквапарк, теннис корти. . .

Айни пайтда юбилей муносабати билан Жалолиддин Мангуберди номидаги жамғарма ташкил этилиб, унинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар чоп этилди, кўплаб илмий анжуманлар ўтказилди.

5 ноябрь куни эса Хоразм заминида ўзбек халқининг довюрак ўғлони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов буюк ватандошимиз юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун Урганчга ташриф буюрди. Тантаналарда ҳозир бўлган хорижлик меҳмонлар, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, республикамиз ва Хоразм вилояти жамоатчилиги вакиллари Ислом Каримовни олқишлар билан кутиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуи марказида қад ростлаган Жалолиддин Мангубердининг маҳобатли ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйди.

Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик тўйи билан йиғилганларни муборакбод этар экан, бу зот қисқа ҳаёти давомида элу юрт равнақи, халқ озодлиги учун бемисл хизмат қилишга улгурган улуғ аждодимиз эканини алоҳида таъкидлади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қуваков, Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори Жан-Луи Баке Граммон ва бошқалар халқимизнинг миллий қадриятларини, буюк аждодларимизнинг унутилаёзган номларини тиклаш ва жаҳонга ёйиш, ана шу боқий мерос асосида ёшларимизни Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасурлик руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Нишонланаётган катта тўй ҳам бунинг ёрқин мисолидир.

Маросимдан сўнг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган театрлашган томоша намойиш этилди.

Буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва қаҳрамонликлари бадиий воситаларда акс эттирилган томоша Жалолиддиннинг болалигини ифодаловчи халқ ўйинлари ва болалар қўшиқлари билан бошланди.

Жалолиддиннинг ёшлиги, шаҳзодалик даври куй ва рақсларда гавдалантирилди. Хоразмшоҳ, Нажмиддин Кубро, амир ва беклар ёш Жалолиддин билан юрт тақдири хусусида суҳбат қуради.

Томоша улуғ саркарданинг эл-юрт озодлиги йўлида душманга қарши курашлари, жангу жадаллари, мислсиз жасоратлари акс эттирилган кўринишлар билан давом этди.

***

Шу куни байрам тадбирлари доирасида қадим Хивада «Жалолиддин Мангуберди — Ватан, юрт ҳимоячиси» мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда нафақат мамлакатимиздан, балки йигирмадан зиёд хорижий давлатдан келган олимлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Жалолиддин Мангубердининг башарият тарихида тутган беқиёс ўрни, инсониятга озодлик йўлида курашнинг, юртни истибдод ва зулмдан қутқаришнинг ёрқин намунасини кўрсатиб кетганини таъкидладилар.

Конференцияда Жалолиддин Мангуберди ва Хоразмшоҳлар давридаги ўзбек давлатчилиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва тарихнавислик каби мавзулардаги илмий маърузалар тингланди.

Анвар БОБОЕВ,
Темур ШАМАКОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

***

Суратларда: байрам тантаналаридан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Президент Ислом Каримовнинг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм заминида туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод этаман.

Ватанимизнинг кўпминг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва орномусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёрқин хотирасида сақлаб келмоқда.

Жалолиддин Мангуберди — она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Жалолиддин Мангуберди — бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа ҳаёти давомида элу юрт учун, халқ озодлиги учун сўнмас хизмат қилишга улгурган улуғ аждодимиздир.

Азиз дўстлар!

Жалолиддин Мангубердининг беқиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бешафқат саҳифаларини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик.

Шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас келолмаган, Хитой ва бепоён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шаҳар-қишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин етиб, не-не шоҳу шаҳаншоҳлар, амиру султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг.

Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб ётган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳволини ҳам бир ўзингизга тасаввур қилиб кўринг.

Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршисида тиз чўкиб, қуллуқ қилиб яшашга тайёр эди.

Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалолиддин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг беқиёс жасорати ва қатъиятини намоён этди. Шу пайтгача мағлубиятга учрамаган мўғул лашкарига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилди. Ва ғанимларга шундай қақшатқич зарбалар бердики, ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай қалтис вазиятда ўзи каби фидойи, ботир инсонларни жипслаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват иймон-эътиқод бўлиши керак?

Айтинглар, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғли юксак бўлиши керак?

Қани, айтинглар, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзининг қурбон бўлишини билатуриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқболи учун зиммасига шундай оғир қисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга етказган халқ ҳар қанча ҳурмат-эҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносибдир.

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамот жангларида жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай хайрли иш беиз кетмайди. Миллат руҳи, одамзотнинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Муҳтарам жамоат!

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди.

Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади.

Бу — ҳаёт. Бу — ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг туғилиб ўсган, ота-боболаринг ҳоки ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шуки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, ийманмасдан ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, воясига етказган Ватанига қўл кўтарадиган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак. Бундай кучлар, разил шахсларнинг кибру ҳавоси, манфур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараққиётига қандай хавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Такроран айтаман, бу нафақат кечаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳамоҳанг аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шуки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эта оладиган шахсларгина тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу — ҳақиқат.

Жалолиддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёрқин тимсоли ва ибратли намояндасидир.

Султон Жалолиддиннинг бизга қолдирган **яна бир даъвати шуки,** у барчамизни она юртимизнинг бегубор осмонини ва осуда ҳаётини қадрлашга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга чорлайди.

Қадрли ватандошлар!

Тарихи қарийб уч минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо ҳисса қўшган улуғ зотлар ватани, «Авесто»дек ўлмас асар яратилган табаррук тупроқ — Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур.

Бу юрт тенгсиз алломалар, азиз-авлиёлар, подшоҳу саркардалар, ботир ва паҳлавонларни кўп кўрган. Улар орасида миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакрор номи юлдуздек чарақлаб туради.

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир. **У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир.**

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қаҳрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдида бошимизни мағрур тутиб яшамоғимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим!

Азиз қадрдонларим!

Шу ҳаяжонли, унутилмас лаҳзаларда дунёга Мангуберди каби қаҳрамон ўғлонларни берган Хоразм элига, бутун халқимизга таъзим қиламан.

Биз бугун юртимизда Жалолиддин Мангуберди хотирасини ҳурматлаб, муаззам ёдгорлик мажмуини бунёд этдик. Кўриб турганингиздек, бу улуғвор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, беқиёс матонат соҳиби бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати мужассам топган.

Бу гўзал ёдгорлик обидасини барпо этишдек хайрли ишга ҳисса қўшган муҳандис ва меъморларга, моҳир усталарга, қурувчи ва боғбонларга чин қалбимдан самимий ташаккурлар билдиришга рухсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аждодларимизга кўрсатаётган ҳурмат-эҳтиромимиздан, озод ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамики азиз боболаримиз қатори, Жалолиддин Мангубердининг ҳам руҳи поки шод бўлғай, иншоолло.

Ишончим комилки, уларнинг ўлмас руҳи билан чароғон хонадонларимизда бугун вояга етаётган минглаб жалолиддинлар юртимизга меҳру садоқат билан хизмат қилиб, унинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этади.

Ишончим комилки, Мангубердининг беқиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраб келаётган довюрак аскарларимиз, эл-юрт посбонлари, жасур ўғлонларимиз сиймосида давом этаверади.

Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларни берган, киндик қони томган заминни, аждодларининг муқаддас мозорларини жонидан ҳам ортиқ кўрадиган, ўз ватанига бутун борлиғини бахш этишга ҳамиша тайёр турадиган, қадоқ қўллари билан тупроқдан олтин ундираётган бундай халқнинг обрў-эътибори ва ҳурмати ошаверади.

Муҳтарам юртдошлар!

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Ана шундай баҳодирларни камолга етказган она халқимиз мангу яшасин!

Азиз дўстлар!

Бугун Хоразм заминида қўшалоқ байрам. Вилоят деҳқонлари, бутун Хоразм аҳли лафзи ҳалоллигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун «оқ олтин» бўлмиш пахта тайёрлаш режаларини шараф билан бажарди. Мана шу улкан ғалаба билан сиз азизларни, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбимдан табриклашга рухсат бергайсизлар.

1999 йил 5 декабрь, якшанба — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайловлар куни

Танишинг: партиямиз номзодлари

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ва депутатликка номзодларнинг тегишли округлардан номзодлари овозга қўйилишига рози эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқди.

Комиссия шу асосда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11- ва 24-моддаларига мувофиқ сиёсий партиялар — Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси, «Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олди.

Газетанинг 2-3-бетларида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати берилмоқда.

ХДП хабари

Сайловолди семинар-кенгаш

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партия фаоллари ва мамлакат парламентига ундан кўрсатилган номзодларнинг иштирокидаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда партия ташкилотларининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига сайловлар муносабати билан олиб бораётган тайёргарлик ишларига доир масалалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов, семинар-кенгаш кун тартибида турган масалалар юзасидан, маъруза қилди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов, «Совпласттитал» Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси бош директори А. Мелкумов ва бошқалар сўзга чиқиб, сайловолди ишларини талаблар даражасида олиб бориш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

«Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони — 99»

МДҲга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарларининг Ялта кенгаши қарорига мувофиқ 27 октябрдан 2 ноябргача Қирғизистоннинг Ўш вилояти ва Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятида кенг кўламдаги «Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони — 99» қўшма команда-штаб машқлари бўлиб ўтди. Уларда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг ҳарбий қўшинлари иштирок этди.

Машқларни ўтказишдан мақсад халқаро терроризм тажовузига ўзаро келишилган ҳолда қарши курашишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Яқинда Қирғизистоннинг жанубида содир бўлган воқеаларни ёдга оладиган бўлсак, ушбу машқларнинг аҳамияти янада ойдинлашади.

Машқлар давомида Умумий хавфсизлик тўғрисидаги шартнома, хавфсизликни таъминлашга доир минтақавий ва икки томонлама шартнома ҳамда битимларни бажариш йўллари амалда синаб кўрилди, Марказий Осиё республикаларининг бирига бостириб кирган босқинчилар гуруҳини тугатишга доир операцияни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида ҳарбий бошқарув органларининг биргаликдаги фаолияти усуллари, турли миллатга мансуб ҳарбий қисмларнинг тактикаси ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди.

Машқларни МДҲга аъзо давлатлар ҳарбий ҳамкорлигини мувофиқлаштириш бўйича штаб бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Л. Мальцев бошқарди.

Шу йилнинг 3 ноябрида Фарғона шаҳрида машқларда иштирок этган давлатлар мудофаа вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Ушбу машқлар якуни муҳокама қилинди.

Кенгашда сўзга чиққан Россия Федерацияси мудофаа вазири, маршал И. Сергеев «Ҳамдўстликнинг жанубий қалқони — 99» машқларига, мақсад ва вазифаларга, иштирок этган турли хил муассасалар фаолиятининг мувофиқлаштирилишига умумий баҳо берди.

Россия мудофаа вазири шу йилнинг август ойида Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган босқинчилар гуруҳларининг бутунлай йўқ қилинмаганлиги, уларнинг асосан Тожикистоннинг Қоратегин ҳудудида тўпланганлиги-ни алоҳида қайд этган ҳолда, келгуси йилнинг баҳорида террорчиларнинг ҳужуми янада уюшган ва фаол бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Бу эса террорчилар гуруҳларининг Марказий Осиё ҳудудидаги хатти-ҳаракатларига барҳам беришга доир чора-тадбирлар кўриш зарурлигини туғдиради. Бу ҳол террорчиларнинг қуролланиши, уларга ўқ-дори ва моддий-техник воситаларнинг етказиб берилишининг олдини олади. Шунингдек, давлатлар раҳбарлари ва парламентларни доимий равишда террорчиликка қарши қатъий чоралар кўришга даъват этиш керак, деб ҳисоблайди вазир.

Нутқини якунлар экан, маршал И. Сергеев бўлиб ўтган машқлар ва келгуси командо-штаб қўшма машқлари давлатларимиз ҳарбий қудратини оширишга мустаҳкам замин бўлишига ишонч билдирди. Унинг фикрича, бу тадбир босқинчи тўдалар билан курашда муҳим босқич бўлиб қолади.

Кенгашда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-полковник Ҳ. Турсунов бўлиб ўтган машқлар мобайнида Ўзбекистоннинг ҳарбий кучлари яхши амалий тажриба орттирганлиги ва зарурат туғилган тақдирда, қаерда бўлмасин, террорчиларга қақшатқич зарба беришга, Ватанимиз сарҳадларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга тайёр эканлигини таъкидлади.

Генерал-полковник Ҳ. Турсунов Боткен йўналишидаги террорчилар гуруҳларини тамомила йўқ қилишга эришилмаганлигини қайд этди. Босқинчиларнинг яна қайтиб келиб, ўз шартларини ўтказиш, зўравонлик ва терорни авж олдириш нияти кучли. Аммо террорчилар шуни қатъий билиб қўйишлари керакки, машқларда иштирок этган Ўзбекистоннинг ва бошқа давлатларнинг ҳарбий кучлари нафақат тажовузга журъат этган босқинчиларга, балки, энг аввало, уларнинг базаларига, қаргоҳларига ва алоқа йўлларига биргаликда қақшатқич зарба берадилар.

(ЎзА)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзодлар рўйхати

Тошкент шаҳри бўйича:

Сайлов округи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими
1-Саноат	Маликов Фархад Латипович	1958	Тошкент "Нон-паста" акционерлик жамияти бош директори
2-Оқтепа	Раматов Ачилбай Жуманиязович	1962	"Ўзтемирйўлтаъмирлаш" акционерлик жамияти бош директори
3-Акмал Икромов	Хакимов Бахтияр Мираҳимович	1952	"Ўзбек қоғози" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқарувининг раиси
4-Бектемир	Адилов Владимир Туйчиевич	1948	"Ўзиталмотор" акционерлик жамияти бошқаруви раиси
5-Дархон	Рахматуллаев Фахриддин Эшматович	1958	"Тошкентнон" жамоа корхонаси бошқаруви раиси
6-Мирзо Улуғбек	Муротходжаев Сайфитдин Валиевич	1947	"Ўзбеккабель" давлат акционерлик бирлашмаси бош директори вазифасини бажарувчи
7-Тракторсозлар	Давранов Қаҳрамон	1945	Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти директори
8-Миробод	Алимбаев Абдуманап Абдураимович	1947	"Ўзэлектроаппарат" акционерлик жамияти бошқаруви раиси
9-Файзиобод	Рузиев Рустам Васиқович	1957	"Гипротранс" лойиҳалаш институти ижрочи директори
10-Чуқурсой	Асамов Шкурат Хуснутдинович	1959	"Ёшлик" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси
11-Собир Раҳимов	Умаров Ўткур Абдуллаевич	1952	"Сувҳаёт манбаи" корпорацияси бош директори
12-Қорақамиш	Назаров Тўрабай Турсунович	1955	"Тошкентмебел" акционерлик жамияти бошқаруви раиси
13-Сергели	Матвеев Александр Алексеевич	1958	"Новатор" ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар Кенгаши раиси
14-Қўйлиқ	Қиргизбаев Алиджан Элчибаевич	1945	"Ўзбекмебел" давлат акционерлик бирлашмаси бошқаруви раиси
15-Ҳамза	Ирисбеков Ниязбек Аскарбекович	1962	"Олтин бошоқ-У" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси
16-Самолётсозлар	Кучеров Вадим Петрович	1941	«Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бошқаруви раиси, бош директори
17-Дўмбробод	Гулямов Латиф Якубович	1956	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби
18-Чилонзор	Мелкумов Александр Николаевич	1940	"Совпластитал" қўшма корхонаси бош директори
19-Мевазор	Солиҳўжаев Шокир Тўраевич	1949	"Тошметроқурилиш" бошқармаси бошлиғи
20-Шайхонтоҳур	Ганиева Саида Исмаиловна	1957	Масъулияти чекланган "Шарқ гули" ҳиссадорлик бирлашмаси бошқаруви раиси
21-Оқлон	Аскаров Бахтиёр	1942	Тошкент меъморчилик-қурилиш институти ректори
22-Марказий	Наров Улуғбек Ирискулович	1955	"Ўзавиализинг" акционерлик лизинг компанияси бош директори
23-Астробод	Талибджанов Зиядулла Убайдуллаевич	1953	"Трансавтотуризм" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси
24-Юнусобод	Мавлянов Абдуманоп Раззакович	1948	"Зилол Булоқ" ишлаб чиқариш корхонаси директори
25-Яккасарой	Нуралиев Рустам Мелиевич	1960	"Осиёэнергосаноат" ёпиқ турдаги акционерлик жамияти раиси

Андижон вилояти бўйича:

26-Мустақиллик	Абдурахмонова Лолахон Дадахановна	1954	Андижон вилоят биринчи туғуруқхона бош врачи
27-Озодлик	Содиқов Абдулазизжон Абдулхамидович	1953	Андижон вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси
28-Шифокор	Рахимов Саркарджон Саттарович	1952	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши биринчи котиби
29-Андижон	Саркисьянц Альберт Леонидович	1944	Андижон тажриба-синов механика заводи директори
30-Олтинкўл	Сарибоев Қўзибой	1941	«Олтинкўл» тумани «Ҳунарманд» очиқ турдаги акционерлик ишлаб чиқариш жамияти раиси
31-Балиқчи	Олимов Далибой Бозорович	1959	Балиқчи тумани «Пахтакор» жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси
32-Оқолтин	Ҳолмурзаев Муталиб Мамаюсубович	1948	Улуғнор тумани «Оқолтин» ширкатлар уюшмаси бош агрономи
33-Шаҳрихон	Топволдиев Таваккал Темирович	1934	«Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси
34-Юқори Шаҳрихон	Базарбаев Урман	1943	Шаҳрихон тумани А.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси
35-Истиқлол	Умаралиев Мухамаджон	1949	Андижон вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси
36-Ниёзботир	Ахмедов Рустамбек	1946	Асака тумани машина трактор парки акционерлик жамияти раиси
37-Асака	Ибрагимов Расулжон Хоринбоевич	1950	Андижон вилояти деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси
38-Марҳамат	Холдаров Алишер Абдурахмонович	1953	Марҳамат тумани «Шукурмерган» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
39-Булоқбоши	Салиев Аминжон Салиевич	1942	Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси
40-Хўжаобод	Абдуҳакимова Мўттихон	1955	«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Хўжаобод тумани бўлими раҳбари
41-Жалолқудуқ	Муйдинов Илҳам Ўрманович	1964	Жалолқудуқ тумани «Ғайрат» жамоа хўжалиги бош бухгалтери
42-Қўрғонтепа	Исматова Юлдуз Асатовна	1944	М. Тургунбоева номли "Ўзбек рақс" миллий рақс бирлашмаси бош директори
43-Султонобод	Ташланов Машрабек Ташпулатович	1962	Ўзбекистон ХДП Қўрғонтепа тумани кенгаши 1-котиби
44-Пахтаобод	Эгамбердиев Абдуллажон Яхшибаевич	1956	Пахтаобод тумани «Туркистон» жамоа хўжалиги бош бухгалтери
45-Избоскан	Шарафидинов Мукимжон Ходжабекович	1956	Избоскан туман «Гуркиров» жамоа хўжалиги бош агрономи
46-Пойтуғ	Ҳамракулов Адхамжон	1947	Избоскан тумани У.Мансуров номли тажриба хўжалиги директори
47-Хартум	Саидов Назиржон Шамсутдинович	1948	«Андижоннома» газетаси муҳаррири
48-Қуйганёр	Абдурасулов Шаробидин Тажидинович	1954	Андижон тумани очиқ турдаги таъмирлаш «Оқёр» акционерлик жамияти раиси

Бухоро вилояти бўйича:

49-Бухоро	Сайфуллаева Саида Ибадовна	1948	Бухоро вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси
50-Файзулла Хўжаев	Казимова Робия Фатуллаевна	1949	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро шаҳар кенгаши биринчи котиби
51-Тўқимачилик	Базаров Баходир Кабилович	1961	"Бухородонмаҳсулотлари" давлат акционерлик жамияти раиси
52-Когон	Тўраев Иззатулло Нарзиевич	1949	"Маҳаллий саноат"ишлаб чиқариш савдо акционерлик компанияси раиси
53-Галаосиё	Зайниев Мухитдин Фазлиевич	1957	"Бухороёғ" акционерлик жамияти раиси
54-Вобкент	Зокиров Мансур Исаевич	1959	"Бухоротурист" акционерлик жамияти раиси
55-Кумушкент	Авезов Толиб Бойжонович	1949	"М. Журабоев" номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
56-Фиришкент	Абдуллаев Мурадулло	1948	"Ўзавтойўл" Давлат акционерлик концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари
57-Ғиждувон	Аминов Ўткир Амонович	1960	Ғиждувон туман ҳокимлиги молия бўлими бошлиғи
58-Шофиркон	Ҳожиев Яхши Норович	1947	Бухоро вилоят электр тармоқлари корхонаси директори
59-Пешку	Бахронов Тохир Саидович	1959	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Бухоро аэропорти директори
60-Ромитан	Саидов Асқар Сафарович	1966	"Бухороирқурилиш" трестининг Ромитан туман кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи
61-Жондор	Хафизов Бахтияр Яхъяевич	1952	"Ўзнефтгазқурилиш" акционерлик жамияти бош директори
62-Қоракўл	Собиров Ҳамроқул Ишонович	1950	Қоракўл тумани марказий касалхонаси бош врачи
63-Олот	Боқибоев Эркин Джураевич	1934	Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси раиси

Жиззах вилояти бўйича:

64-Жиззах	Абдулахатова Сайёра Салиховна	1940	Жиззах педагогика билим юрти директори
65-Учтепа	Носирова Қумри	1942	"Ҳамида ая" ишлаб чиқариш фирмаси директори
66-Зарбдор	Умурзоқов Илҳом Пардаевич	1950	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши биринчи котиби
67-Бахмал	Ғанибеков Ҳикматулла	1945	Бахмал тумани "Турон" ижара ширкатлар бирлашмаси директори ўринбосари
68-Ғаллаорол	Алмурадов Ғайбулла	1938	Ғаллаорол тумани 42-мактаб директори
69-Зомин	Рашидова Сайёра Шарофовна	1943	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси институти директори
70-Мирзачўл	Усманов Сабур Ҳамракулович	1961	Дўстлик тумани "Истиқлол" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
71-Пахтакор	Эргашев Тошпўлат	1951	Зафаробод тумани "Булунғур" ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси
72-Фориш	Убайдуллаев Садик Салихович	1956	Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси

Навоий вилояти бўйича:

73-Навоий	Ҳасанов Урин Хасанович	1953	"Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори
74-Кармана	Латипов Сергей Насриддинович	1958	"Навоийтранс" давлат акционерлик бирлашмаси бош директори
75-Навбаҳор	Ботиров Рустам	1952	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилояти Кенгаши биринчи котиби
76-Конимех	Утемурадов Миктибой Аширбекович	1950	Конимех тумани "Қизилқум" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси
77-Зарафшон	Бредихин Александр Алексеевич	1949	Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли Зарафшон автотранспорт бошқармаси бошлиғи
78-Томди	Пулатов Абдукарим	1956	Учқудуқ йўллардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
79-Қизилтепа	Ҳакимов Қўзи Рўзиевич	1957	Қизилтепа тумани "Варозун" жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси
80-Нурота	Суюнов Азимбай Алимович	1948	"Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари бош муҳаррири

Наманган вилояти бўйича:

82-Поп	Хамидова Матлубахон Абдурахмоновна	1948	Поп тумани стоматология поликлиникаси бош врачи
83-Чуст	Рапиков Юлдашбай	1948	Чуст тумани "Олмос" деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси
84-Камарсада	Джамалов Азамат Бадриддинович	1942	Ўзбекистон Республикаси "Ёғмойтамакисаноат" ассоциацияси раиси
85-Тўрақўрғон	Каримов Адҳамжон Ҳакимжонович	1961	Тўрақўрғон тумани 1-мактаб директори
86-Шаҳанд	Абдурахмонов Умаржон Эшондадаевич	1957	Тўрақўрғон тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
87-Мингбулоқ	Усмонов Мухторхўжа Мухамедович	1955	"Наманганагромашсервис" акционерлик жамиятлари бирлашмаси раиси
88-Косонсой	Домлашаев Нематхон Ҳамрохўжаевич	1955	Косонсой тумани "Косон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
89-Дўстлик	Убайдуллаев Абдурашид Яхъяевич	1950	"Намангантекстил" акционерлик жамияти бошқаруви раиси
90-Наманган	Алашев Махмуд Салиевич	1949	"Наманганагромаш" акционерлик жамияти бош директори
91-Бобуршоҳ	Турғунов Мамат Таджимирзаевич	1952	Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси Наманган шаҳар бўлими раиси
92-Сардоба	Раҳимов Найимжон	1951	Наманган Давлат педагогика университети проректори
93-Тошбулоқ	Ғаффоров Абдураим Жамолиддинович	1945	Наманган тумани "Ижодкор" агрофирмаси бошқаруви раиси
94-Уйчи	Абдулазизов Икромжон Иззатиллаевич	1956	Уйчи тумани Шароф Рашидов номли қишлоқ хўжалиги корхонаси бошқарувчиси

Сайлов округи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими
95-Ўнҳаёт	Мансуров Зиёвиддин	1954	Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси Наманган вилоят бўлимининг раиси
96-Бахт	Исмоилов Нурдинжон Муйдинхонович	1959	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси
97-Учқўрғон	Эргашев Исмаилжан Агзамович	1948	"Кўгайтаъмирлаш" акционерлик жамияти раиси
98-Норин	Убайдуллаев Ҳабибулла	1947	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти Кенгаши биринчи котиби
99-Чортоқ	Казаков Алимжон Маматжонович	1952	Чортоқ шаҳар "Роҳат" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси
100-Янгиқўрғон	Халмухамедов Уткур Ачилович	1954	"Ўзбекгазсувқурилиш" очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси
101-Заркент	Қурбанбаев Нематилла	1951	"Наманганмевасабзавот" ҳудудий бирлашмаси раиси

Самарқанд вилояти бўйича:

102-Боғишамол	Усмонов Талъат Субхонкулович	1960	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги қўмитаси котиби
103-Усмон Юсупов	Йўлдошева Гулнора Ботировна	1935	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси раиси
104-Сиёб	Раҳманкулов Азим	1956	Самарқанд шаҳар "Алпомиш" очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори ўринбосари
105-Сўғдиёна	Юсупова Гульрух Насруллаевна	1955	"Гулрух-Ю" ихтисослашган хусусий фирмаси директори
106-Темирйўл	Ташева Татьяна Мажидовна	1953	Самарқанд енгил саноат коллежи директори
107-Булунғур	Умаров Шавкат Хабибович	1955	Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмаси раиси
108-Жомбой	Зияев Нуманжон Асадович	1958	Жомбой тумани 28-мактаб директори ўринбосари
109-Иштихон	Мансуров Баходир Амирович	1955	Иштихон тумани А. Бердиқулов номидаги жамоа хўжалиги раиси
110-Каттақўрғон	Султанов Шокир Куванович	1965	Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси Каттақўрғон шаҳар бўлими раиси
111-Қорадарё	Мухамадиев Пайзулло	1951	Каттақўрғон тумани 54-мактаб директори
112-Гўзалкент	Ишбеков Искандар Дусмухамедович	1947	"Каттақўрғон ёғ-мой" акционерлик жамияти раиси
113-Нарпай	Тилавов Салим Умбарович	1960	Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси криминалистика бўлими бошлиғи
114-Нуробод	Киличова Рохила Рамазановна	1952	Нуробод туман марказий шифохонаси бош врачининг ўринбосари
115-Оқдарё	Рузиназаров Шухрат Нуралиевич	1959	Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судьяси
116-Пастдарғом	Таниев Элибай	1941	Пастдарғом тумани "Янгиобод"жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
117-Чархин	Худайбердиев Шадибой	1946	Пастдарғом тумани 131-мактаб директори
118-Пайариқ	Йўлдашев Зафар Салохидинович	1971	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пайариқ туман Кенгаши биринчи котиби
119-Пахтачи	Очилов Холмурат	1942	Пахтачи туман ҳокимлиги молия бўлими мудири
120-Самарқанд	Аслиддинов Садриддин	1951	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд туман Кенгаши биринчи котиби
121-Улуғбек	Ҳамроқулов Рахмонкул	1952	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши биринчи котиби
122-Тайлоқ	Боймурадов Худойберди Мелибоевич	1957	Тайлоқ туман "Боғизоғон" ижара хўжалиги бошқаруви раиси
123-Ургут	Эргашев Мақсадилло	1951	Ургут шаҳар миллий ҳунармандчилик лицейи директори
124-Қуйиқишлоқ	Обломурадов Наим Халимович	1952	Тошкент молия институти проректори
125-Қоратепа	Ҳамраев Махматқул	1953	Ургут тумани Амир Темур номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
126-Челак	Башманов Исамидин	1952	Челак тумани марказий шифохонаси бош врачи
127-Қўшработ	Джаникулов Шавкат Уракович	1954	Қўшработ тумани "Пичот" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

Сирдарё вилояти бўйича:

128-Гулистон	Ташметова Маъмура Абдуллаевна	1946	Сирдарё вилояти шифохонаси бош врачи ўринбосари
129-Янгиер	Ахмедов Умарқул	1949	"Мирзачўлқурилиш" бирлашмаси бошлиғи
130-Боёвут	Норбутаев Хусан Салимович	1950	Ховос тумани "Фарход" ширкатлар уюшмаси раиси
131-Сайхун	Синдаров Абдурашид Жаҳангирович	1956	Сайхунобод тумани "Шўрўзак" ширкатлар уюшмаси бошқаруви раиси
132-Сирдарё	Артуқбаева Хайтхан	1946	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилояти Кенгашининг иккинчи котиби
133-Сардоба	Холбўтаев Исматула	1956	Шароф Рашидов тумани Узоқов номли деҳқон ва фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси

Сурхондарё вилояти бўйича:

134-Бойсун	Амирқулов Қурбон	1939	Музработ тумани "Меҳнат рохат" хусусий корхонаси директори
135-Шеробод	Убайдуллаев Зиёдулла Сагдуллаевич	1953	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳуқуқ тадқиқотлари маркази директори
136-Қизириқ	Холиқов Эшонқул Зоирович	1955	Қизириқ тумани "Гиламбоф" ширкатлар уюшмаси раиси
137-Ангор	Кучкинов Абдималик	1956	"Ангорпахта" очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси
138-Музработ	Эрматов Ҳамро Эгамович	1946	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилояти Кенгашининг биринчи котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзодлар рўйхати

Сайлов округи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими
139-Термиз	Қулиев Тоҳир Мамаражапович	1960	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчиси
140-Учқизил	Қурбонов Бахтиёр	1954	Термиз тумани "Халқобод" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
141-Жарқўрғон	Амантурдиев Нормумин Бекматович	1963	Жарқўрғон тумани Боймуротов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи
143-Шўрчи	Чутбаев Урал Таштемирович	1949	Шўрчи тумани Т.Бердиев номидаги жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
144-Олтинсой	Муратшина Лидия Валиевна	1949	Олтинсой тумани 30-ўрта мактаб директори
145-Ҳазорбоғ	Мамажонов Зоир Ғуломович	1949	Денов тумани "Чағанён" газетаси бош муҳаррири
146-Денов	Абдуллаев Рахмонкул Мингкабилович	1962	"Сурхонозиқовқатсаноат" акционерлик жамияти раиси
147-Сариосиё	Муҳаммадиев Нормахмат Сабирович	1954	"Сурхондарё почтаси" акционерлик жамияти бош директори
148-Узун	Шодиева Бўритош Аминовна	1955	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари
149-Сурхон	Хаитова Зумрат Холбоевна	1951	"Қумқўрғонсавдо" акционерлик жамияти раиси

Тошкент вилояти бўйича:

150-Бинокор	Усманов Нурмуҳаммад	1958	"Ангренкўмиртехтранс" корхонаси директори
152-Олмалиқ	Сигедин Виталий Николаевич	1937	Олмалиқ тоғ металлургия комбинати бош директори
153-Пскент	Эшматов Усмонкул Номатович	1955	Пскент тумани И.Ҳайдаров номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи
154-Оҳангарон	Урумбаева Мавлюда Юнусовна	1951	Оҳангарон тумани марказий шифохонаси гинекология бўлими мудири
155-Тўйтепа	Тулаганова Мухая Мирза-Алиевна	1946	Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси
156-Ўрта Чирчиқ	Халикова Мукаддас	1947	Тошкент вилояти "Ўртасарой" деҳқон фермер хўжалиги раиси
157-Кимёгар	Назаров Хамидулла Сативалдиевич	1950	Ўзбекистон "Кимёлойиҳа" илмий-тадқиқот институти Чирчиқ бўлими бош директори
158-Машинасозлар	Садиков Нигматулла Усарович	1950	Чирчиқ шаҳри 1-касб ҳунар коллежи директори
159-Чорвоқ	Сагдуллаев Рахматилла	1948	Очиқ турдаги акционерлик жамияти "Хумсон" санаторийси бош директори
160-Паркент	Абдурахмонов Абдулла Абдусалимович	1954	Паркент тумани «Намданак» жамоа хўжалиги бош агрономи
161-Юқори Чирчиқ	Ким Вячеслав Михайлович	1945	Республика акционерлик тижорат-ривожланиш "Сармоябанк"нинг Бектемир бўлими бошлиги
162-Янгийўл	Худояров Махамаджон Бердибоевич	1953	"Янгийўл ёғ-мой" акционерлик жамияти раиси
163-Зафар	Турабеков Хусан Мустахим угли	1957	Бекобод тумани марказий шифохонаси бош врачи
164-Бўка	Сайдуллаев Мансур Хабибуллаевич	1971	Бўка тумани "Баҳмал" жамоа хўжалиги раиси
165-Зангиота	Жураев Миркамал Хожиахматович	1960	Зангиота тумани "Чиғатой-Оқтепа" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
166-Қизғалдоқ	Джихангирова Дилбар Набиевна	1946	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси
167-Салор	Аъзамов Сирожиддин Хидоятович	1952	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти кенгашининг биринчи котиби
168-Қибрай	Шамирзаев Алишер Абдусаломович	1962	Қибрай тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
169-Қуйи Чирчиқ	Курбанов Равшанбек Давлатович	1947	Ўзбекистон кардиология илмий-тадқиқот институти директори
170-Оққўрғон	Ниезов Эргаш Миннаварович	1932	«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
171-Чиноз	Ахунов Едгор Мустафаевич	1951	Чиноз тумани "Эски Тошкент" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
172-Навбаҳор	Расулов Карим Расулович	1942	Республика байналминал маданият маркази директори
173-Эски Қовунчи	Абдувалиев Абдурахмон Абдулхаевич	1956	"Ўзавтотранс" Давлат акционерлик корпорацияси "Ўзавтотранстаъминот" концерни бошқаруви раиси

Фарғона вилояти бўйича :

174-Бешариқ	Якубов Анваржон	1950	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бешариқ туман Кенгашининг биринчи котиби
175-Раҳкон	Ғаниев Талибжон Хамидович	1965	Бешариқ тумани "Қашқар" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
176-Яйпан	Ёқубов Гулямитдин Ташпулатович	1950	Ўзбекистон халқ артисти
177-Қайнар	Мирзамахмудов Тажибай	1941	Фарғона Давлат Университети проректори
178-Қўқон	Закиров Фаррух Каримович	1946	"Ялла" гуруҳи раҳбари
179-Чорсу	Мухамедов Равшан Мўминович	1957	Қўқон шаҳри 10-мактаб директори
180-Фурқат	Қодиров Акбарджон Кадирович	1948	Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" хайрия жамғармаси Фарғона вилоят бўлими раиси
181-Данғара	Тўйчиев Қосимжон	1957	Данғара тумани "Ишонч" ширкат хўжалиги раиси
182-Учкўприк	Мамадиев Саидхон Шукурович	1951	Учкўприк тумани Ҳамза Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
183-Ғозиғиждон	Азимов Дилшод Мухторович	1960	Бувайда тумани, Бувайда қишлоғи тикув-трикотаж фабрикаси директори
184-Бувайда	Нишанов Юсибжон	1946	2-Тошкент Давлат тиббиёт институти Фарғона бўлими директори
185-Боғдод	Кенжаев Абдулла	1944	Боғдод тумани 99-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи
186-Ҳазиний	Содиқжонов Шокиржон	1952	Фарғона вилояти "Агромашсервис" акционерлик бирлашмаси раиси
187-Олтиариқ	Ибрагимов Қаххор Маматожиевич	1957	Олтиариқ тумани "Шохимардонсой" акционерлик жамияти раиси
188-Риштон	Содиев Суфхонжон Мўйдинович	1957	Фарғона вилоят маҳаллий саноат компанияси раиси
189-Сўх	Игамбердиев Анварджон Мамасалиевич	1958	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона вилояти кенгаши биринчи котиби
190-Охунбобоев	Ахунова Гульчехра	1941	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт, бизнес кадрлар тайёрлаш институти директори, университет проректори
191-Марғилон	Мамаджанов Маъмур Мўминович	1962	"Фарғонасунъийчарм" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви директори
192-Наврўз	Аҳмадалиев Азим Камолович	1946	"Ўзагросуғурта" акционерлик жамияти Фарғона вилоят бошқармаси бошлиги
193-Абдулла Қодирий	Тошхўжаев Аъло Юлбарсович	1961	Марғилон тўқимачилик комбинати бошқаруви раиси
194-Фарғона	Мансуров Ахат Набиевич	1946	Касаба уюшмалари Фарғона вилоят Кенгашининг раиси
195-Қиргули	Абдуллаев Абдухашим Абдуллаевич	1950	Фарғона "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори

Сайлов округи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими
196-Тошлоқ	Тўхтаназаров Мамиржон Кушакович	1957	"Бизнесфонд" жамғармаси Тошлоқ туман бўлими бошқарувчиси
197-Ёзёвон	Исмонлов Умаржон Сиддиқович	1957	Ёзёвон туман "Марказий Фарғона" туман газетаси муҳаррири
198-Қува	Камилов Райимжан	1954	Қува тумани машина трактор парки директори
199-Хўжа-Ҳасан	Хайдаров Миродил Махамаджонович	1956	Қува тумани "Матлуботсавдо"акционерлик бирлашмаси бошқаруви раиси
200-Қувасой	Қахаров Миршавкат Мурадилович	1962	"Қувасойнон" ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси
201-Водил	Мамажанов Мамарўзи Комилович	1958	Фарғона тумани марказий шифохонаси бош врачи
202-Хонқиз	Тоғаев Маруфжон Тўраевич	1959	Фарғона тумани "Фарғона" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси

Хоразм вилояти бўйича:

203-Ал-Хоразмий	Бойжонов Ибадулла Самандарович	1947	Урганч қурилиш коллежи директори
204-Абулғози Баходирхон	Дусчанов Бахтиёр Аллабергановић	1950	1-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали директори
205-Хива	Авезова Халима Абдуллаевна	1960	Хива тумани Беруний қишлоқ шифокорлик маскани мудираси
206-Ичон Қалъа	Бобожонов Хушнут	1941	Урганч Давлат университети биринчи проректори
207-Боғот	Ботирова Онагул Оллобергановна	1958	Боғот туманидаги "Тошкент" жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси
208-Гурлан	Рузметов Арслон Гоипович	1946	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори
209-Қўшкўпир	Полвонов Отабой	1949	Кўшкўпир тумани электр алоқаси боғланмаси бошлиги
210-Урганч	Мадрахимов Маримбой	1955	"Оқолтин " жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
211-Хазорасп	Машарипов Гайрат Назарович	1935	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгашининг биринчи котиби
212-Питнак	Бабаев Жумабой	1945	20-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори
213-Хонқа	Аллаберганов Рустам Ражабович	1963	43-автохизмат акционерлик жамияти раиси
214-Шовот	Машарипов Саъдулла Машарипович	1951	Хоразм вилояти давлат санитария эпидемиология станцияси бош давлат санитария врачи
215-Янгиариқ	Юсупов Марат Матякубович	1942	Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси
216-Янгибозор	Наримов Шермат	1949	Урганч Давлат университети қошидаги Бизнес мактаби директори

Қашқадарё вилояти бўйича:

217-Қарши	Каримов Орипжон Шарипович	1954	Қарши шаҳридаги 129-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиги
218-Насаф	Цой Борис	1950	Қарши вагон депоси бошлиги
219-Ғузор	Зайнутдинов Ибрат Анварович	1948	"Ўзбекнефтегаз" Миллий холдинг компанияси бошқаруви раиси
220-Деҳқонобод	Хакимов Назар	1951	Қарши Давлат университети ректори
221-Қамаши	Тоштурдиев Холикул Суюнович	1949	Қамаши туманидаги Ҳамид Олимжон номли 7- мактаб директори
222-Чим	Оманов Фармон	1938	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби
223-Бешкент	Сувонкулов Омон	1942	Қарши туманидаги «Нуқробод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
224-Касби	Носиров Шавкат	1955	Касби тумани 8-агроқурилиш бошқармаси бошлиги
225-Китоб	Пардаев Ёқуб Ахматович	1961	Китоб туманидаги Охунбобоев номли жамоа ширкат хўжалиги раиси
226-Косон	Асадов Илҳом Ашурович	1955	Қашқадарё вилояти «Автотеххизмат» очиқ турдаги акционерлик жамияти раиси
227-Муборак	Зайниев Нуритдин	1952	"Мубораknефтгаз" нефть ва газ конлари бошқармаси бошлиги
228-Нишон	Сафаева Машкура	1950	Республика Олий суди ҳайъатининг раиси
229-Чўлобод	Авлиякулов Норкул Акмуродович	1959	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Баҳористон туман Кенгаши биринчи котиби
230-Чироқчи	Нормурадов Мурадулла	1946	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректори
231-Кўкдала	Эрданаев Аликул Халимович	1957	"ABN Амробанк" ижрочи директори
232-Бешчашма	Орипов Абдулла	1941	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
233-Шаҳрисабз	Исмаилов Нимат Файзуллаевич	1949	"Шаҳрисабзконсерва" ишлаб чиқариш акционерлик жамияти раиси
234-Мироқи	Шарапова Анаварой	1956	Шаҳрисабз туманидаги "Наматан" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
235-Шаматон	Юсупов Боймурат Жумаевич	1962	Халқаро кураш ассоциацияси бош директори
236-Яккабоғ	Муҳаммадиев Баҳодир Нормурадович	1957	"Хисораксувқурилиш" трести 3-механизациялашган колонна бошлиги

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича:

237-Нукус	Ғаниев Муратбой Шимберенович	1963	Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси раиси
238-Университет	Мамутов Жангабай Искендерович	1950	Тошкент тиббиёт Педиатрия институти Нукус филиали директори
239-Тахиатош	Кочмарик Изидор Андреевич	1943	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитаси раиси
240-Хўжайли	Давлетов Сапарбой	1950	«Қорақалпоғистон» деҳқон - фермер хўжалиги бошқаруви раиси
241-Кегейли	Муратов Аманжол Алланиязович	1948	Қегейли тумани «Агроқурилиш» бошқармаси бошлиги
242-Амударё	Жуманиязов Мадрасул	1946	Амударё туманидаги «Туркманистон» жамоа хўжалиги раиси
243-Элликқалъа	Фахрутдинов Нуратдин Хикматуллаевич	1960	Элликқалъа тумани Г.Одилов номли фермер хўжаликлари уюшмаси раиси
244-Тўрткўл	Кувандиков Олимбой	1949	Тўрткўл тумани "Мискин" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси
245-Беруний	Оразов Тулибай Каландарович	1947	Беруний туманидаги Махтумқули номли деҳқон-фермер хўжалиги бошқаруви раиси
246-Қўнғирот	Любимов Николай Владимирович	1949	Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
247-Шуманай	Сапарниезов Айтбай	1939	Шуманай тумани халқ таълими бўлими мудири
248-Чимбой	Асанов Атаулла Худайбергенович	1943	Ўзбекистон ХДП Қорқалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби
249-Бердақ	Маханов Жайлыбай Турманбетович	1948	Қораўзак тумани "Қорақалпоғистон 40 йиллиги" жамоа хўжалиги раиси
250-Орол	Кожыков Татлымурот Мырзамуратович	1956	Мўйноқ шаҳридаги хўжаликлараро 329-механизациялашган қўчма колонна бошлиги

«Пахта — 99»

Машаққатли меҳнат маҳсули

Вилоятда қатор йиллардан буён пахтачилик соҳаси оқсоқ келар, шартномавий давлат режаси уддаланмас эди. Жорий йилдаги деҳқончилик бунга хотима берди. Вилоят ҳокимлиги, қолаверса бошқарув тизимидаги туб ўзгаришлар, мутахассис кадрлар тайёрлашдаги хатти-ҳаракатлар тармоқ ривожига катта имконият яратди. Вилоятда мева-сабзавот, ғаллачилик каби пахтачилик ҳам юксак йўлига чиқиб олди. Агар ўтган йили вилоят пахтакорлари жами бўлиб 100 минг тонна атрофида пахта хомашёси етиштиришган бўлишса, амалдаги йилда бу кўрсаткич 120 минг тоннани ташкил этди. Атиги бир йил ичида 20 минг тонналик ўсишга эришилди.

Бу ўринда аввало пахта уруғчилигидаги изланишлар, маҳаллий шароитга мос ва хос бўлган навлар танлашдаги тажриба ҳамда тарғиботларни алоҳида қайд этиш ўринлидир. Амалиёт ва кузатишлар шуни кўрсатдики, «Бухоро-6», «Ан-Боёвут», «С-9070» каби эртапишар, ўртапишар ғўза навлари Қизилқум, Маликчўл, Ўртачўл сингари сув ниҳоятда тақчил бўлган далаларга мақбул эканини кўрсатди. Шу боис мавжуд 44 минг гектар ерга асосан шу ва шунга ўхшаш навлар экилди. Экин қатор ораларига ишлов бериш, табақалаштириб суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлардан оқилона фойдаланиш ҳам қулай муддатларда, агротехник талабларда ўтказилди. Натижада нафақат шартнома режаси, балки мажбуриятни ҳам қоплайдиган даражада мўл пахта ҳосили етиштирилди.

Навоийлик заршунослар эртапишар, бунинг устига саноатбоп хомашё етиштиргани учун ҳам сентябрь ойининг учинчи ўн кунлидигиданоқ оммавий равишда пахта йиғим-теримига киришдилар. Дастлаб мусобақадош механик-ҳайдовчилар кўмагига таянилган бўлса, кейинчалик шаҳарлик ҳашарчилар ҳамда талаба ёшлар кучидан ҳам самарали фойдаланилди. Бу ўринда республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш ва мавсумни намунали ўтказиш борасидаги илҳомбахш қарорини алоҳида қайд этиш жоиздир. Худди шу қарор ўлароқ вилоят «Пахта банк»и томонидан мавсум иштирокчиларига 997 миллион 306 минг сўм атрофида иш ҳақи берилди. Терим суръати ва самарадорлигини ошириш мақсадида моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳар беш кунда амалга ошириб борилди. Шунингдек, даладагиларга кўрсатилган тиббий, маданий-маиший, савдо хизматини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Ўнлаб кўчма савдо дўконлари, тиббий хизмат машиналари кунаро терим далаларида бўлиб, пахтакорларга мададкор бўлишди.

Ҳа, вилоятда соҳа қолоқлигига нуқта қўйилди. Пахтачиликнинг ойдин, равон йўлига чиқиб олинди. Гектарлар ҳосилдорлиги ўртача 27,3 центнерни ташкил этди. Ялпи хирмоннинг 85 фоизи юқори навларга қабул қилинди. Шунинг учун ҳам вилоятда жорий йил пахтачилигидан 4,5 миллиард сўмлик умумий даромад кутиляпти. Бу улкан ғалабага бирин-кетин зафар маррасига етган Қизилтепа, Навбаҳор туманлари заршуносларининг ҳиссаси каттадир. Мазкур туманларда йиллик шартномавий режалар 105-110 фоиздан ортди. Навоий ва Хатирчи туманлари деҳқонлари ҳам ҳадемай маррага етиб келишади. Бундай қувончли дамларда 35-40 центнердан ҳосил кўтарган ташаббускорларни аълоҳида қайд этмоқ жоиздир. Қизилтепа туманидаги «Бухоро», «Зарминтан», Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон», «Зарафшон», Й. Охунбобоев номли, Навоий туманидаги Қ. Раҳимов номли, «Нарпай», «Маданият», «Жалоир», Хатирчи туманидаги А. Навоий, А. Ҳалимов номли хўжаликлар ана шундай юқори ҳосилдорликка эришган пешқадамлардан саналади. Яна ўнлаб бригадалар, ижарачи шартномачилар, деҳқон фермерлар борки, уларда ҳосилдорлик 48 центнердан ҳам ошди.

Режа уддаланган бўлса-да, вилоятда йиғим-терим суръати сусаймаяпти. Ўз имкониятларидан келиб чиққан навоийликлар эл хирмонига яна 5 минг тонна хомашё армуғон этиб, ялпи ҳосилни 125 минг тоннага етказишмоқчи.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бугун ҳар бир сайлов участкаларида иш қизғин. Барча масъул шахслар, жамоатчилик бу улкан сиёсий анжуманга алоҳида тайёргарлик кўрмоқда.

Суратда: Бекобод туманидаги «Хос» ширкат хўжалиги раиси Раҳматжон Деҳқонбоев(чапдан), қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси Ибодат Низаева, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қаҳрамон Мамаюсуповлар сайловчи ҳуқуқлари тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Бирида ундоғу, бирида бундоғ...

Сайлов ва сайловчи

Юртимизда сайловларга тайёргарлик авжида. Фарғона вилоятидаги маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказувчи округ ва участкаларда ҳам бу муҳим сиёсий мавсумни жаҳоний андозаларга мос равишда ўтказиш учун барча ишлар қилиняпти. Яқинда вилоят телевидениесининг Фарғона туманидаги 53-«Чекшўра» сайлов участкасида амалга оширилаётган ижобий ишлар хусусида берган кўрсатуви билан танишгач, шу участкани бир кўрай деган фикрда, 1 ноябрь куни шу ерга келдим. Дарҳақиқат, қишлоқ фуқаролар йиғинининг муҳташам биноси ичида жойлашган сайлов участкаси яхшилаб жиҳозланган экан. Сайлов комиссияси хонасида ҳуқуқшунос бурчаги мавжуд, унда сайловларга оид қонунлар, турли адабиётлар дид билан териб қўйилган. Деворларда Ўзбекистон харитаси, вилоят аҳоли сони ва миллий таркибига оид плакатлар осилган, ёш сайловчига маслаҳатлар мавзусида адабиётлар, газеталар тахламлари ҳам хонадан ўрин олган.

— Халқимиз бу галги сайловларни кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда, — дейди «Чекшўра» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Толибжон Умаров, — Сайловчилар ўзларини қизиқтирган масалаларга аниқ, ишончли жавоблар олмоқдалар.

— Сайловларга тайёргарлик бўйича сайлов участкаларида муаммолар ҳам борми?

—Афсуски, округ сайлов комиссияси раиси А. Ўлмасов иш билан туман марказига кетган эди. Лекин фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3 та маҳаллий кенгашларга сайлов участкасининг биттасида ҳам телефон ишламаётганидан хабардорман... Телефон туширамиз дея ваъда беришган.

«Албатта, телефон муаммоси тез орада ҳал бўлар» деган умидда бу ердан чиқиб 751-Шохимардон сайлов участкасига йўл олдим.

Участка 6-ўрта мактаб биносида, директор ўринбосари хонасида жойлашган экан. Хонада сайловга оид... бирорта ҳам кўргазмали материал, адабиётлар, газета тахламлари кўринмайди. Столда хушрўйигина бир аёл нималарнидир ёзиб ўтирибди, сайлов участкаси навбатчиси бўлса керак, деган фикрда унга мурожаат қилдим.

— Йўқ, навбатчи эмасман, шу мактаб ўқитувчиси Дилобар Сотволдиеваман. Ўқувчиларнинг вазифаларини текшириб ўтирувдим...

— Навбатчи қаерда эканлигини билмайсизми?

— ...

Шу пайт мактабга тасодифан Ҳамза Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси Набирахон Азизова келиб қолди.

— Сайлов участкаси хонасини жиҳозлашга киришдик. Икки-уч кун ичида сайлов участкасида барча зарур ашё ва жиҳозлар ҳозир бўлади, — деди у.

— Бу ерда яна бир сайлов участкаси бўлиши керак, ахир.

— Тўғри, — қизаринқиради раиса, — кенг зал ажратганмиз... Жизоҳлашга киришяпмиз.

Иккинчи сайлов участкаси учун ажратилган кенг залга... катта бир уюм пахта тўкиб қўйилибди! Бу кенг хона вилоят кенгашига сайлов ўтказиш участкасими ёки туман кенгашига сайлов участкасими аниқлай олмадик. Ҳатто, Шоҳимардонобод қишлоқ фуқаролар йиғини идорасида ҳам бу муаммога аниқлик кирита олмадик.

— Сайловга оид ҳужжатларни туман марказига берганмиз, — дейишди у ерда.

Фарғона тумани пахтакорлари ҳозир пахта-йиғим теримида вилоятда пешқадамлик қиляпти. Улар давлатга пахта сотиш шартномавий режасини бажариш арафасидалар. Биз борган Ҳамза Ҳакимзода номли жамоа хўжалиги эса шартномавий режани аллақачон уддалаган экан. Бу албатта, яхши, аммо, сайловларга пишиқ-пухта тайёргарлик кўришдай долзарб ишга ҳам эътибор кучайтириш лозим, деб ўйлаймиз...

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун!

БИЗ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ГУЛЛАБ – ЯШНАШИ, ҲАР БИР КИШИ, ҲАР БИР ОИЛАНИНГ ФАРОВОНЛИГИДАН ЎЗГА ОЛИЙ МАҚСАД ЙЎҚ !

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастури

(партиянинг III Қурултойи томонидан, 1999 йил 8 октябрда, тасдиқланган).

ҚАДРЛИ ВАТАНДОШЛАР! АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР!

1999 йил 5 декабрь, якшанба куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.

Мазкур сайловлар, мазмун-моҳияти билан, ҳар биримиз учун катта аҳамиятга эгадир. Улар мамлакатнинг демократик ривожланиши, мустақил ўзбек давлатчилигининг мустаҳкамланишида янги қадам бўлади. Сайловларда, кўппартиявийлик асосида, XXI аср бўсағаси ва унинг дастлабки йилларида ёш давлатимиз олдида турган тақдиршумул вазифаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга даъват этилган, парламентни шакллантириш масаласи ҳал этилади.

Бу имкониятларни ишга солишнинг асосий шарти – барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларига ғайратли, юксак малакали, обрўли, ўз халқи ва Ватанига содиқ, олдиларида турган олийжаноб вазифаларни амалга ошириш учун фидойиларча ишлашга тайёр, ҳаётнинг ҳар қандай синовларига бардош берадиган кишиларни сайлашдир.

Партия шундай кишиларни депутатликка номзод қилиб кўрсатди. Сайловолди курашига кирар экан-миз, биз, ўз олдимизга унинг жараёнида номзодларимизнинг сайловларда кўпчилик ватандошларимиз овозини олишга эришишларини таъминлаш, сайлов якунлари бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида партиянинг нуфузли фракциясини тузиш, барча даражадаги давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида партия мавқеини мустаҳкамлаш вазифасини қўймоқдамиз.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш – биз учун шунчаки мақсад бўлмай, балки, биринчи галда, бизни қўллаб-қувватловчи жамият аъзоларининг, давлат ҳокимияти ҳамда унинг, кишилар ҳаётий манфаатларига жавоб берувчи, сиёсатини шакллантиришга қаратилган, сиёсий иродасини рўёбга чиқаришнинг амалий имконияти га эга бўлиш воситасидир. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган, ҳар бир инсонга муносиб турмуш шароити ва унинг юксак фаровонлик даражасини таъминлаб беришга қодир, озод, демократик жамиятни қуриш – бу сиёсатнинг бош мақсади бўлишлигига бизнинг ишончимиз комил.

ИНСОН, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН ҲАР НАРСАДАН УСТУНДИР!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсатида **энг яхши демократик анъаналарга, халқнинг тарихий тажрибасига, умуминсоний қадриятларга** таяниш ниятида. Халқнинг анъаналари ва тарихий мероси, унинг асрлар давомида жамланган маънавий салоҳияти, бу – бизга замондош башарият цивилизациясининг умумий тараққиёти ўзанларида олдинга қараб ҳаракат қилиш учун замин, пойдевордир.

Партиямизнинг олий мақсади – ҳар бир оила ва меҳнат кишисининг, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар, моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечириши учун тенг имкониятлар яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришни ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НИМАЛАРГА ИНТИЛМОҚДА?

Партиямиз Ўзбекистонда кучли ҳуқуқий демократик давлат, инсонпарвар, адолатли жамият қуришнинг изчил тарафдоридир. У, мустақиллик туфайли, халқимизнинг ушбу кўп асрлик орзусини амалга оширишнинг ҳал қилувчи имкониятлари яратилди, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун, партия Ўзбекистонда, **сиёсий ва иқтисодий эркинликлар, демократия ва қонунийлик, тенглик ва ижтимоий адолат** каби, умуминсоний тамойилларга асосланиб, мамлакатнинг гуллаб-яшнашини, ҳар бир кишининг тинч ва осойишта, омон-эсон ҳаёт кечиришини таъминлашга қодир, тегишли сиёсий тизим ва давлат тузумидан иборат, жамиятни барпо этишга интилади.

Партия фақат шундай жамиятда, шундай мамлакатда ҳар бир инсон ўзини эркин, бахтли, ўзидан кейин яхши ном, муносиб из қолдиришини ҳис қилади, деб ҳисоблайди. Партия мамлакатда шундай жамиятни қуриш зарурлиги ва мумкинлигига қатъий ишонади ва Ўзбекистоннинг барча фуқароларини мазкур йўналишдаги интилишнинг воқеликка айланишида фаол иштирок этишга чақиради.

Ушбу умуммиллий мақсадга, ўз зиммасига юклатилган тарихий масъулиятни тўлиқ тушунган, бутун халқнинг саъй ҳаракатлари билангина эришилади. Ватанимизнинг буюк келажагини яқинлаштиришнинг ягона кафолатли йўли – ўзини Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвариман, деб ҳисобловчи, ушбу умуммиллий иш учун онгли ва самарали меҳнат қилувчи, ҳар бир фуқаронинг унга муносиб ҳисса қўшишидир.

ПАРТИЯМИЗ НИМАЛАРГА ЭРИШМОҚЧИ ВА НИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ?

Партия ўзининг, мамлакат парламенти ва барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик идораларидаги, депутатлар фракцияси ва гуруҳлари орқали, қонунчилик ва ижроия ҳокимиятни шакллантиришда иштирок этиб, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқишга муайян даражада таъсир ўтказиб, минтақавий ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий дастур ва лойиҳаларни тайёрлашда ташаббус кўрсатиб, **қуйидаги бош устувор йўналишларда** изчиллик билан ҳаракат қилади:

Сиёсий соҳада

Ўзбекистон ХДП демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилади. Бунда бош мақсад: **ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлган давлатнинг қудрати зўравонликда эмас, балки, унинг қонунларни онгли равишда бажарувчи ҳамда, фуқаролик жамиятининг турли институтлари орқали, жамоат, давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этувчи сиёсий ва ижтимоий фаол фуқароларга таянишида бўлишлигини таъминлашдир.**

Партиямиз барча фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётдаги иштироки учун тенг имкониятларни яратиш, ҳар жойда ва барча соҳаларда қонунларга сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини изчил амалга оширишнинг кафолатланиши учун курашади. Натижада, бир томондан, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий идоралари, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари ўртасида, иккинчи томондан, давлат ҳокимияти ҳамда аҳолининг ўзўзини бошқариш органлари ўртасидаги вазифаларнинг оқилона, демократик тарзда тақсимланиши орқали, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини, ўз истиқомат жойларидаги бошқарувда, зарур ҳаётий муаммоларини ҳал этишдаги иштирокининг таъминланишига эришилади.

Биз давлат ва жамият демократик фаолиятининг ички ҳаракатлантирувчи кучи, давлат ҳокимияти тизимининг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд тармоқларида, шунингдек, расмий сиёсий ғоялар ва манфаатлар рақобатида тўхтатиб туриш ва мувозанатни таъминлаш каби, ривожланган демократик давлатларга хос, синалган мурвати, бўлишга даъват этилган сиёсий партияларнинг аҳамиятини оширишга катта эътибор бермоқчимиз.

Биз **сиёсий партиялар мавқеининг, ҳам** қонунчилик даражасида, ҳам амалий жиҳатдан, жаҳонда қабул қилинган демократик меъёрлар асосида, улар намояндаларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларида сайловлар орқали эгаллаган ўринларига ва, тегишли равишда, давлат ҳокимияти ва давлат сиёсатини шакллантиришдаги таъсирининг даражасига қараб, **етакчи, ҳукмрон** (парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган) **ва ижобий муҳолиф** (парламентда нисбатан кам ўринга эга бўлган) партиялар сифатида, **фарқланишини** таъминлаш йўлида ҳаракат қиламиз.

Партия қонунларнинг ижроси, давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан ўзларининг вазифаларини адо этишлари, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш устидан фаол жамоатчилик назоратини таъминловчи, "тўртинчи ҳокимият" сифатида эътироф этилган, **эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг** ҳар томонлама ривожисиз кучли фуқаролик жамиятини тасаввур қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Биз **жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларга сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш,** давлат ҳокимияти ваколатларига эга мансабдор шахслар, барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари аппаратлари ходимларининг, хизмат вазифалари ҳамда конституциявий бурчини виждонан ва бенуқсон бажаришлари учун, масъулиятини ошириш тарафдоримиз.

Биз дунёвий давлат тамойилларига қатъий амал қилиш, ахлоқий ва миллий қадриятлар, дунёқараш тизими, халқнинг тарихий, маънавий меросининг таркибий қисми бўлган дин билан ёвуз мақсадли, фуқароларни итоатсизликка ундовчи ва амалдаги конституциявий тузумни, куч ишлатиш йўли орқали, ўзгартиришга чорловчи, **сиёсийлашган диний оқимлар** ўртасидаги фарқни аниқ белгилаб олиш, **диний экстремизм кўринишларига қатъий барҳам бериш** тарафдоримиз.

Иқтисодий соҳада

Иқтисодиётни ривожланган мамлакатларда умумэътироф қилинган меъёрларга мос равишда, эркинлаштириш, иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Яъни :

– иқтисодиётни мафкуравий ақидалар қарамлигидан ва ижтимоий хомхаёлликлардан халос қилиш;

– ишлаб чиқарувчининг маъмурий-буйруқбозликдан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг хўжалик фаолиятига бевосита аралашишидан холи эканлиги;

– хусусий ташаббускорлик, тадбиркорлик ва рақобат эркинлиги;

– кичик ва ўрта бизнеснинг эркин ривожланиши, шу жумладан давлат томонидан корхоналарни тузиш, улар фаолиятини юритиш ва уларни тугатиш масалаларига ҳаддан ташқари аралашишлардан халос бўлиш, кредитлар ва молиявий ёрдам олиш ҳамда улардан эркин фойдаланиш;

– мулк ва меҳнатнинг барча шаклларининг ҳуқуқий ва иқтисодий тенглигини, мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқарган маҳсулоти, товарлари ва хизматлари, уларни сотишдан олган даромадларидан эркин фойдаланиш;

– товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракати ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (фақат мамлакат **ишлаб чиқарувчилари ва аҳоли манфаатларини ҳимояловчи** божхона қоидалари, яъни инсонлар ҳаёти ва соғлигига таҳдид солувчи товарлар (сифатсиз маҳсулотлар, гиёҳванд моддалар ва қуроллар)ни четдан келтирилишини чеклашлар, **мамлакатнинг стратегик манфаатларини** кўзлаб, қонунсиз равишда, хомашё ресурслари, давлат монополияси ўрнатилган маҳсулотлар, миллий бойлигимиз ҳисобланган санъат асарлари ва тарихий-маданий бойликларни олиб чиқиб кетишдан муҳофаза қилиш бундан мустасно);

– мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг асосий кўрсаткичлари, йирик давлат, акциядорлик ва хусусий корпорациялар, компаниялар, корхона ва фирмалар фаолияти, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмининг аҳволи тўғрисида, ҳар бир фуқаро томонидан, уларни ахборот воситаларида кенг ёритилиши орқали, тўғри ва ишончли статистик ахборотлар олиш ҳуқуқи амалда таъминланган бўлиши ўта муҳимдир.

Бундай иқтисодий эркинлик даражасини таъминлайдиган ҳуқуқий шароит ва кафолатларнинг яратилиши ишлаб чиқарувчини озод қилиб, ички бозорни маҳаллий товар ва хизматлар билан тўла тўлдириш ҳамда пул қадрсизланишини тезда бартараф этишнинг ҳақиқий таъсирчан омили бўлиб хизмат қилади. **Бу – кишиларга янги иш ўринлари, муносиб иш ҳақи, кундалик зарур товар ва хизматларга барчага маъқул бўладиган нархлар, деганидир.**

Ижтимоий соҳада

Ушбу соҳада партия фаолиятининг бош мўлжали – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ва унинг оиласининг соғлиги ҳамда фаровонлигини таъминлаш учун зарур озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, тиббий парвариш ва муҳим ижтимоий хизматларни ўз ичига олувчи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси кўзда тутган, **ҳаёт даражасига оид, инсон ҳуқуқларининг** амалда таъминланишидир.

Мазкур масалани ҳал этиш ўзанида аҳолининг кам таъминланган қатламларини, – нафақадорлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ўқувчи ёшлар, қаровсиз қолган кекса кишилар ва болаларни, – мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш янада ривожлантирилиши керак, деб ҳисоблаймиз. **Давлат ва жамиятнинг инсонпарварлиги ҳамда адолатлилиги уларнинг худди шу ижтимоий табақаларга бўлган муносабати билан белгиланади.**

Биз, пулнинг қадрсизланиши оқибатида, аҳолининг ҳимояга муҳтож гуруҳлари турмуш даражасининг пасайишини, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва жамғарилган маблағларни ишончли тарзда индексациялаш орқали, қоплашни таъминлаш тарафдоримиз. Бундай индексациялаш асосини давлат томонидан белгиланадиган энг кам иш ҳақи, меҳнат нафақаси ва энг кам истеъмол саватчаси қийматининг мутаносиблиги тўғрисидаги, жаҳон ҳамжамиятида қабул қилинган, қоида ташкил этмоғи лозим.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида, **ёш фуқароларнинг** мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол қўшилиши, уларнинг иш билан бандлиги, ишлаб чиқариш, бошқарув ва тадбиркорликда эркин ҳамда самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида, **ёшларни иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлашни** Ўзбекистон ХДП **давлат сиёсатининг** устувор йўналиши бўлиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлар **аёлларнинг жамиятдаги мавқеини амалда ошириш,** меҳнат ва яшаш шароитларини енгиллаштириш, уларга, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш билан бирга, оиладаги оналик ва уй бекалик, болалар тарбиясидаги муқаддас бурчларини бажариш имконини берувчи, зарур шароитларни яратишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берадилар.

Партия жамиятда **ижтимоий бирдамлик** муносабатларини ривожлантириш, мулкнинг барча шаклларидаги **корхоналарни, аҳолини иқтисодий фаол ва бадавлат қатламини, жамоатчилик ва хайрия жамғармаларини, маҳалла ва бошқа жамоат институтларини, уларнинг** муҳим ижтимоий дастурларни амалга оширишда ҳамда ҳимояга муҳтож фуқароларни муҳофазалашда фаол иштирок этишларини, рағбатлантирувчи иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратишни ўз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши, деб ҳисоблайди.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши соҳасида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қуйидагиларни ўзининг мазкур соҳадаги фаолиятининг **устувор йўналишлари,** деб ҳисоблайди:

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги, мамлакат Конституцияси, халқининг манфаатларини ҳимоялаш, фуқароларда, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида бунёдкорона меҳнат қилиш ғояларига содиқликни ўзида мужассамлаштирувчи, **ижтимоий онг ва фаолиятнинг энг дастлабки устувор қадрияти сифатида, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш;**

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида жамиятнинг барча аъзолари, мамлакатнинг барча фуқароларини муштарак **миллат, яхлит халқ бўлиб бирлашишида,** халқ ва давлат манфаатларининг олий устуворлигини таъминловчи кучли омил сифатида, миллий **ғоянинг аҳамияти,** айниқса, ортмоқда.

Миллий мустақилликнинг кенг кўламли истиқболлари ва мақсадларига монанд, шунингдек, ҳар бир инсоннинг фаол ҳаётий нуқтаи назарини, унинг ташаббускорлик ва ижодий изланишга, маънавий баркамолликка интилишини шакллантиришни кўзда тутувчи, маънавий қадриятлар тизимига таяниш;

Шарқ халқларининг кўп минг йиллик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган ва эркинлик, тенглик ҳамда инсонпарварликнинг умуминсоний қадриятлари, – инсонийлик ва инсонни севиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ишонч, ҳалоллик ва ростгўйлик, виждонлилик ва андиша, тўғрилик, адолат ва меҳр-шафқат каби, – **меъёрларга амал қилиш.**

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий ахлоқ асосларини шакллантиришда **диннинг муҳим аҳамиятини тан олиш. Барча динлар энг асосий нарсада бир фикрда эканлиги,** яъни уларнинг асрлар давомида одамларни ҳалоллик, юксак ахлоқ, атрофдагиларни ҳурмат қилишга, ўзаро тушуниш ва меҳнатсеварликка ўргатиб келаётгани ҳақидаги, ҳақиқатидан келиб чиқиб, Ислом маданияти қадриятларини ҳурмат қилиш билан бирга, бошқа динларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинишига йўл қўймаслик асосида эзгуликка абадий интилиш ётган **анъанавий ахлоқий маданиятга мурожаат қилиш.** Жамоавийликнинг миллий анъаналари, – маҳалла турмуш тарзи, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашишга тайёрлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ёрдам кўрсатишга ижтимоий эҳтиёж, – негизида инсоний муносабатлар маданиятини такомиллаштириш.

Фан, билим ва маърифатга, юқори билимлиликка таяниш.

Халқ донишмандлигининг туганмас манбаи, унинг тажриба ва анъаналарининг хазинаси бўлган **тарихга ҳурмат.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, **юқорида баён этилган устувор вазифалар** мамлакат ҳалқининг манфаатларига, унинг эзгу орзу ва интилишларига тўлиқ жавоб беради, деб ҳисоблаб, сайловларда қандай натижаларга эришишидан қатъий назар, **давлат ҳокимияти ижроия органлари ва бошқариш ваколатига эга мансабдор шахсларининг, партиянинг дастурий мақсадларига мос келувчи, фаолиятини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.**

БИЗ НИМАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШАМИЗ, СИЁСАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА НИМАЛАРНИ МАЪҚУЛ ЭМАС, ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсий интилишлари ва фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олиб, жамиятга мамлакат олдида турган вазифаларнинг бажарилиши йўлларини таклиф этар экан, **қўйилган мақсадларга эришиш учун барча усуллар ҳам маъқул, деб ҳисобламайди.**

ХДП нимага қарши чиқаётир, у нималардан норози, мустақил Ватанимиз интилаётган муқаддас ва юксак мақсадларга эришиш учун нималар яроқсиз эканлигини жамиятга очиқ айтиш зарур, деб ҳисоблайди?

– Биз давлат — кучли, ҳокимият — таъсирчан бўлиши керак, дер эканмиз, айни пайтда, давлат бошқаруви ваколатига эга раҳбарлар фаолиятидаги ўзбошимчалик зўравонлик ва мансабни суиистеъмол қилишнинг ҳар қандай шаклларига қаршимиз, ўзларининг республика халқи олдидаги конституциявий бурчига беписанд қарайдиган, ислоҳотлар сиёсатига доғ туширадиган мансабдор шахслар **фаолиятидаги порахўрлик, тўрачилик ва коррупцияга қарши** қатъий ва беаёв кураш олиб борилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

– Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, демократик ўзгаришларни илдамлаштириш тарафдори эканмиз, жамиятда қонун устуворлигидан бошқа ҳеч қандай якка ҳукмронликнинг ўрнатилишини тан олмаймиз. Қонунлар устуворлиги нафақат аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишни ташкил қилиш, балки, суд ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг самарали фаолияти билан ҳам мустаҳкамланиши керак. Биз, ҳокимият ижроия идоралари томонидан, қонунлар таъсирини торайтирадиган ва чегаралайдиган йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатларнинг қабул қилиниши амалиётига қатъиян қаршимиз. Меъёрий ҳужжатлар, ижроия ҳокимияти ваколатларига кўра, Конституцияда кўзда тутилган масалалар бўйича, қонуннинг тегишли бандларига кенгайтирилган изоҳ бериш талаб қилинган ҳолатдагина, қабул қилиниши керак.

– Партиямиз бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлашнинг изчил тарафдоридир. Шу билан бирга, биз **солиқлар миқдорининг асоссиз оширилишига қаршимиз.** Солиқлар миқдорлари оширилиши ва солиқларни тўлаш муддатларининг қисқартирилиши, бюджет тушумларининг кўпайишига эмас, балки, иқтисодиётнинг хуфёна шўъбасининг фаоллашувига олиб келиши мумкин. Юридик шахслардан олинадиган **солиқларнинг энг катта миқдорлари ҳажми қонун билан белгилаб қўйилиши, янги солиқларни жорий қилиш ва уларнинг амалдагилари ҳажмини ошириш фақат қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколатига киритилиши керак.**

– Биз давлат умумтаълим мактаблари, шифохона ва поликлиникалар учун ажратилаётган бюджет маблағларининг, электр қуввати, иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув, канализация, қурилиш ашёлари учун ва бошқа харажатларнинг ўсиши уларга сарфланаётган зарур харажатларни қопламаслиги боис, билвосита қисқартирилишига **йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз.** Шундай ҳолатлар натижасида, **амалдаги қонунчиликда бепул хизматлар тоифасига киритилган, ижтимоий соҳа муассасаларига аҳолининг пул маблағлари асоссиз жалб қилинмоқдаки, демак, бу уларнинг амалда пуллик бўлишига олиб келмоқда.**

– Ўзбекистон ХДП бозор муносабатлари шароитида ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизмат учун эркин нарх белгилаш сиёсатини товар ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг дахлсиз ҳуқуқи эканлигини тан олади. Шу билан бирга, **биз маҳаллий ҳокимият идоралари амалда рағбатлантираётган,** ишлаб чиқарувчи – монополистлар томонидан, аҳолининг бевосита ҳаётий таъминоти жабҳаларига кирувчи, сув, иссиқлик, газ таъминоти, хусусийлаштирилган турар жойлардан фойдаланиш ва бошқа коммунал хизматлар учун **тўловларнинг оширилишига қаршимиз.**

– Партиямиз ўнлаб йиллар давомида шахсни асоратга солиш ва инсон устидан зўравонлик қилишга хизмат қилган, "жамиятни ўзгартиришнинг илмий-назарий асослари" каби, мустабидчилик мафкураси, хаёлий назарияларни қатъиян рад этади. Мустақил Ўзбекистон ҳеч қачон, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзига ёт, мавҳум ғоялар негизида ижтимоий синовлар ўтказиш учун, "тажриба майдони" бўлмаслиги, у, ўзининг тарихий ва маданий анъаналари асосида, муштарак башарият цивилизацияси умумий тараққиёти ўзанларида ривожланиши даркор.

– Партия сиёсий ақидалар ва ўткинчи манфаатларга тутқун бўлиб, **халқнинг ўтмиши, унинг миллий тарихий ва маънавий анъаналарига нотўғри ёндошишни, уларни бузиб талқин қилинишини кескин қоралайди.** Бутун мураккаб, олис ва яқин тарихимиз, ортиқча бўёқларсиз ва бузилишларсиз, халқимиз ақли расолиги сарчашмаларини тўлдириши лозим. Бу жабҳада биз оламларнинг масъул ва шарафли вазифаларини, барча ҳалол одамлар учун самарали фаолият майдонини кўрамиз.

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси шовинизм ва миллатчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний ва ғоявий экстремизм, халқаро терроризмни қоралайди ва қатъиян рад этади. Партия халқ ичида душманлик ва зўравонлик уруғларини сепиш, уни, динга мансублиги, миллати ёки сиёсий қарашларига қараб, бўлиб ташлаш каби ҳар қандай ҳаракатлар давлат ва жамият томонидан қатъий ва кескин зарбага учраши керак, деб ҳисоблайди. Шунингдек, биз давлатимиз миллий хавфсизлигини барча чоралар билан мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

– Партия атеизм ва дин тўғрисидаги сохталаштирилган тасаввурларга жамият бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги лозим, деб ҳисоблайди. Жамият ҳар бир инсонга маънавий изланишлар учун имконият яратиши, унинг ўзини маънавий камолга етишига, ҳаётий йўналишларини онгли ва эркин танлаб олишига бўлган интилишларини рағбатлантириши лозим. Шу билан бирга, партия, виждон эркинлиги тамойилларининг амалга ошиши тарафдори сифатида, **динни сиёсийлаштиришга** қатъиян қарши туради, **турли чет хорижий миссионерлар ва маҳаллий сектантларнинг фаолиятини қонун йўли билан чеклашга** эришиш зарурлигини таъкидлайди.

– Ўзбекистон Халқ демократик партияси бундан кейин бирон-бир сиёсий партия давлатда ҳокимият ваколатларини бевосита ўз зиммасига олмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Партия бирорта ижтимоий-сиёсий кучнинг танҳо ўзи ҳақиқат ва адолатга даъво қилишини, шунингдек, сиёсий можароларни "душман қиёфасини" шакллантириш йўли билан ечиш амалиётини қатъиян қоралайди. Эркин сиёсий рақобат, қарашлар ва ғоялар кураши демократик сайловларнинг тинч майдонида ўтиши, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги сиёсий кучларнинг турли фракциялари ва гуруҳларининг ўзаро соғлом мусобақалашуви шаклида бўлиши керак.

ҚАДРЛИ САЙЛОВЧИЛАР!

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўтказиладиган, сайловлардаги сайловолди Сиёсий дастурининг асосий йўналишлари шулардан иборат. Биз аҳоли барча табақалари манфаатларини қамраб олишга интилдик. Биз баландпарвоз ваъдалар бераётганимиз йўқ, сизларни амалга ошириб бўлмайдиган ишларга даъват этаётганимиз ҳам йўқ. Тегишли қонун, фармон, қарор ва дастурлар мажмуасини қабул қилиш орқали, дастурий мўлжалларимизни изчил рўёбга чиқаришни – биз жонажон мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, ҳар бир киши, ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашни, умумий уйимизнинг тинч ва саодатли ҳаёти асосларини янада мустаҳкамлашнинг бирдан-бир ҳақиқий йўли, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси — яратувчилик сиёсий ҳаракатлари партиясидир. Биз учун — инсон, халқ, Ватан манфаатларидан ўзга олий манфаат йўқ!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, бу – сизнинг партиянгиз! Сизларнинг манфаатларингиз, қувончларингиз ва ташвишларингиз — бизнинг манфаат, қувонч ва ташвишларимиздир.

МУҲТАРАМ ОТА-ОНАЛАР! ҚАДРЛИ ОҒА-ИНИЛАР ВА ОПА-СИНГИЛЛАР!

Сайловларда фаол иштирок этиб, ўз фуқаролик бурчингизни бажаринг! Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг чинакам халқпарвар номзодлари учун овоз беринг!

«ЗАФАР»



Коллектив совместной
Узбекско-Китайской компании
по электронике от души приветствует государственный визит Президента Республики Узбекистан
Ислама КАРИМОВА
в Китайскую Народную Республику.

Этот визит еще больше укрепит наши дружеские и экономические связи и откроет новые перспективы Великого Шелкового Пути.
«Зафар» — компания, выпускающая телевизоры, продолжит успешную и плодотворную деятельность в Узбекистане.

Адрес: г. Ташкент, улица Каракамышская, 2.
Тел: 8-3712-24-08-09, 8-3712-21-10-54. **Факс:** 8-3712-24-08-49.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

«Замонавий мулкдор»

қимматли қоғозлар бозорида банк маҳсулотининг янги турини тақдим этади



Энди қимматли қоғозлар олди-сотдисига доир битимларни расмийлаштириш учун Тошкентга, биржага келиш шарт эмас. Барча ҳужжатларни яшаш жойидаги Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг яқин атрофдаги филиали ёки бўлимида расмийлаштириб, битимларнинг сифатли ижро этилажагидан хотиржам бўлишингиз мумкин.

Янги хизмат тури қуйидаги имкониятларни беради:

- ***Қимматли қоғозлар олди-сотдисига операцияларда эркин қатнашиш;***
- ***Қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишга доир маслаҳатлар олиш;***
- ***Хоҳ биржа бозорида, хоҳ биржадан ташқари бозорда сотилаётган қимматли қоғозлар котировкаси тўғрисида тўлиқ маълумот олиш.***

Миллий банк қуйидагиларни кафолатлайди:

- ***Қимматли қоғозларга доир битимларни ўз вақтида ва сифатли расмийлаштириш;***
- ***Қимматли қоғозларга доир операцияларнинг хавфсизлиги ва ўз вақтида бажарилиши.***

NBU

Қўшимча маълумотлар учун Қимматли қоғозлар бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефон: 137-59-42

«Ҳаракат бор жойда — барака бўлади»

— дейди, Тошкент вилояти «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси раиси Холдоржон ХОЛМАТОВ





— Деҳқон ўз меҳнатига яраша манфаат кўрса, қадр-қиммат топса, меҳнат қилади, юксак хирмонга ҳисса, барака қўшади, — дейди бирлашма раҳбари. Очиғини айтганда, анча йиллардан буён вилоят пахтакорларининг бундай шиддатли одимларини кўрмаган эдик. 280 минг тонналик юксак «оқ олтин» хирмонини бунёд этган меҳнаткашлар бу йил ҳақиқатан ҳам далаларда фидокорона меҳнат қилганликларини исботладилар.

Айтиш керакки, Тошкент вилояти «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси корхоналари ҳам мамлакатдаги муҳим тармоқлардан бири саналади. Қадоқ қўлли деҳқонлар йил бўйи тўккан пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил шу ерда қайта ишланмоқда. Қайта ишланган хомашё бирлашма тасарруфидаги 12 та пахта тозалаш корхоналарида толага айлантирилмоқда.

Жамоа ўтган йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Чунончи, тайёр маҳсулотларни шартномалар асосида истеъмолчиларга етказиб бериш ва сифатли тола ишлаб чиқариш суръати бирмунча ошди. Биргина Қуйи Чирчиқ туманидаги «Мустақиллик» пахта тозалаш корхонасида ўтган йили 30 минг 656 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, ундан 9180 тонна тола олинди ҳамда хорижий давлатларга сотилди.

Ҳаракат бор жойда — баракат бор, деганларидек, 1998 йил мобайнида Бўка туманидаги пахтани қайта ишлаш корхонасида 8127 тонна сифатли тола ишлаб чиқарилган бўлса, Пскентда бу кўрсаткич 7800 тоннани ташкил этди ва хориждаги шерикларга жўнатилди.

Маълумки, экспортдан келадиган даромад мамлакатимиз ривожига, ҳасининг равнақига улкан ҳисса бўлиб қўшилади. Шу боисдан ҳам толанинг 50-60 фоизи хорижга экспорт қилинади. Бирлашма Англия, Франция, Болгария, Швейцария, Жанубий Корея, Сингапур сингари кўплаб мамлакатлардаги хорижий шериклар билан мустаҳкам фойдали алоқа ўрнатган. Вилоят бўйича йилига 280 минг тонна пахта етиштирилишини ҳисобга олсак, бу 93 минг 334 тонна тола деган гап. Жорий йилнинг сентябрь ойида бирлашма корхоналари 3054 тонна юқори навли тола ишлаб чиқариб шундан 2989 тоннасини экспортга, қолган 65 тоннасини эса мамлакатимиздаги тўқимачилик корхоналарига жўнатди. Октябрь ойида бу кўрсаткич 5400 тоннани ташкил этди. Шундан 5200 тоннаси экспортга жўнатилди.

— Биласизми, экспортга чиқариш учун ўлчами, сифати, нави, ранги бир хил бўлган, муайян миқдордаги тола талаб қилинади, — тушунтиради Х. Холматов. — Биз ана шу мақсадда тизимимиздаги барча корхоналар ишини тобора такомиллаштиришни замон талабларидан келиб чиқиб, атрофлича ўйлаб, бу йўлда изланишлар олиб бормоқдамиз ва бу ўз самарасини бераяпти. Толанинг жаҳон бозорида юқори баҳоларда сотилиши учун бирлашмамизда маҳсулот сифатини тўла кафолатлайдиган сертификатлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис, корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати доимий назоратда. Биргина мисол: Ўрта Чирчиқдаги «Қорасув» пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқарилаётган толанинг миқдори ва сифати ўтган йилга нисбатан анча ошди. Шу сабабли «Қорасув» жамоаси яқинда Женевада бўлиб ўтган конвенцияда «Олтин юлдуз» билан тақдирланди.

— Толанинг бозори чаққон бўлса керак? — саволга тутаман раисни. У ҳам қисқагина қилиб, бугунги кунда биринчи навли толанинг бир тоннаси 189 минг 037 сўм эканлигини таъкидлайди.

— Кўпгина корхоналар собиқ иттифоқ даврида барпо этилган, ишлаб чиқариш ускуналари ва дастгоҳлари ҳам анча эскирган. Бу технология билан қандай сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилади? — яна сўрайман ундан.

— Бугунги кунда шу долзарб муаммони ҳал қилиш учун бош қотиряпмиз ва корхоналаримизни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда таъмирлаяпмиз — дейди у. — Бундай изланишлар «Мустақиллик», «Пскент» ҳамда «Оққўрғон» пахтани қайта ишлаш корхоналарида ижобий ҳал этилган. Эндиликда Бекобод ва Бўка туманларидаги корхоналарни ҳам шу йўсинда қайта созлашни мўлжаллаяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам Оққўрғон пахта тозалаш корхонаси раҳбарияти корхонани замон талаби асосида қайта қурмасдан яхши натижаларга эришиш мумкин эмаслигини англаб етиб ишни тубдан ўзгартиришгани қувонарли, албатта. Корхона тўлиқ қайта таъмирлангани боис анчагина маблағни иқтисод қилиш имконига эга бўлишяпти. Тежалган маблағ эса ишчи-хизматчиларнинг турмуш даражасини яхшилаш, маънавиятни юксалтириш, ёшлар тарбияси ва улар билимини оширишга сарфланмоқда. Корхонада пахта қуритиш тармоқлари ва унинг узатмаларига катта куч берадиган двигателлар ўрнатилди, пахта тозалаш мосламалари ихчамлаштирилди.

— Биргина мана шу икки цех ҳисобига электр қувватининг сарфи салкам 50 фоизга камайди, — дейди корхона раҳбари Фарҳод Омонов. — Илгарилари ойига 1,5 миллион сўмлик электр қуввати сарф қилинган бўлса, эндиликда бу борадаги харажат анчага камайди. Бироқ, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати камайгани йўқ, аксинча ортди. Жамоамиз жорий йилда ҳам 20 минг тонна пахтани қайта ишлашга бел боғлаган.

— Корхонанинг янги мавсумда тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлашда ишчилардан Раҳим Султонов, Феруза Ойнабекова, Ҳикмат Имонқулов, Олим Ҳотамов, Саид Ҳўжаев, Нишонбой Аҳмедов сингари тажрибали ходимлар жонбозлик кўрсатишди.

— Корхонада меҳнат аҳли учун барча шароитларни яратиб бериш чоралари кўриляпти. Маош ўз вақтида берилаяпти. Тунги сменада ишлайдиганлар учун қўшимча имтиёзлар белгиланган. Мураббийлар уюшмаси кўмаги билан ишга янги келган ёшларни ўқитиш ва ўргатиш ишлари жамоанинг доимо диққат-эътиборида.

— Президентимиз ташқи иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама кенгайтириш, айниқса, хорижнинг илғор технологияси ва сармоясини жалб қилиш зарурлигини кўп бор таъкидламоқдалар. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида ҳам мамлакатимиз раҳбари бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бу бежиз эмас. Негаки, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш давр талаби, олдинга қараб ривожланишнинг муҳим омили бўлиб қолди. Маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқаман, рақобатбардошлигини ошираман деган меҳнат жамоаси доим хориж билан ҳамкорликни кенгайтириши керак. Бугунги кунининг талаби — омбор учун эмас, балки сифат ва бозор учун меҳнат қилишни тақозо этмоқда.

Тошкент вилояти «Пахтасаноатсотиш» бирлашмасига қарашли корхоналарда хорижий сармоядорлар билан алоқани кенг йўлга қўйиш чоралари изланяпти.

Биргина мисол қилиб Янгийўл туманида қад ростлаган, илғор технологияларни ўзида жамлаган пахта тозалаш корхонасини мисол қилиб келтириш мумкин. Замонавий технология меҳнат унумдорлигини кескин оширади. АҚШлик мутахассислар билан ҳамкорликда барпо этилган мазкур корхонада пресслаш мўъжаз автотранспортларда бажарилмоқдаки, натижада исрофгарчиликка йўл қўйилмаётир. Ўрта Чирчиқ туманидаги «Бектемир» пахтани қайта ишлаш тажриба корхонасида ҳам замонавий технология жорий этилган.

Қисқаси, ишлар улуғ, ниятлар ҳам. Яқин келажакда янги ускуналарни ўрнатиш ҳисобига вилоят пахта тозалаш заводларида иш ҳажмини анча ошириш мўлжалланган.

— Кейинги ўн йилликларда пахта етиштириш бўйича вилоятда бу йилгидек катта ютуққа ҳеч эришилмаган эди. Шошиб қолмадингизларми? — деб сўраймиз Холдоржон Холматовдан.

— Дарҳақиқат, бу йил вилоятимиз пахтакорлари учун баракали пахта йили бўлди. Айни кунларда бирлашмамиз тасарруфидаги корхоналар янги пахта ҳосилини қайта ишлашга астойдил киришганлар Биргина сентябрь ойида 14 минг 754 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб 4832 тонна пахта толаси олинди.

Хуллас, вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмасининг 5 мингга яқин аҳил жамоаси аъзоларининг онгида истиқболга ишонч уйғотиш, уларни янги-янги марраларга руҳлантириш, қалбига йўл топиш, Ватанимизнинг нурли келажагига ишончларини орттириш борасида улкан тажриба тўпланган.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

***

Суратларда: бирлашма тизимидаги корхоналар фаолиятидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Бўка пахта тозалаш корхонаси

** Тумандаги 22 та хўжалик ҳамда 152 та фермер хўжаликлари ва ташкилотларидан шартнома асосида пахтани қабул қилиб, қайта ишлайди.*

** Корхонанинг бу йилги пахта хомашёсини қайта ишлаш режаси — 42000 тонна. Шу кунгача корхонада 4 минг тоннадан зиёд хомашё қайта ишланди. Шундан 1500 тоннадан зиёди пахта толасини ташкил қилади. Бу ишлаб чиқарилган тола асосан биринчи навни ташкил этиб, қуйидаги чет эл ҳамда МДҲ мамлакатларига жўнатилди.*

— Сингапурга — 150 т.
— Ивановога — 100 т.
— «Қобул-Тўйтепа» қўшма корхонасига — 300 т.
— Англияга — 100 т.

** Корхона қошида 7 та пахтани қабул қилиш шаҳобчалари мавжуд.*

** Ўтган 1998 йилда корхонада 26366 тонна пахта хомашёси қайта ишланди. Шундан 8127 тонна тола олиниб, хорижий давлатларга сотилди.*

«Мустақиллик» пахта тозалаш корхонаси

** Қуйи Чирчиқ тумани ҳудудида жойлашган. 36 минг 800 тонна пахтани қайта ишлайди.*

** Тумандаги 14 та хўжалик ва 73 та фермер хўжаликларидан шартнома асосида пахта қабул қилиб, уни толага айлантиради.*

** Бу йилги мавсумда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот — тола қуйидаги хорижий давлатларга жўнатилади:*
— Англияга — 300 т.
— Швейцарияга — 250 т.
— Болгарияга — 300 т.

** Корхонада ишлаб чиқарилган биринчи нав толанинг ўртача баҳоси 189 минг 037 сўмни ташкил этмоқда.*

** Корхона қошида тўртта пахтани қабул қилиш пунктлари ишлаб турибди.*

** Ўтган 1998 йил мобайнида корхонада 30656 тонна пахта хомашёси қайта ишланиб, 9180 тонна тола олинди ва хорижий давлатларга сотилди.*

«Оққўрғон» пахта тозалаш корхонаси

